

**Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид  
Давлат дастури ижросининг 9 ойлик яқунлари тўғрисида  
М А Ъ Л У М О Т**

*Давлат дастурининг давлат ва жамият қурилиши такомиллаштиришга қаратилган 1 бўлими 43 та банддан иборат бўлиб, уларда:*

- 10 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;*
- 8 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони;*
- 9 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори;*
- 4 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;*
- 2 та Концепция;*
- 4 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарорлари қабул қилиниши;*
- 7 та амалий чора-тадбирлар ва “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши назарда тутилган.*

Жумладан, биринчи устувор йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг **“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”**ги, **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги Қонунлари қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги Фармони, **“Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича **Маслаҳат кенгаши** ташкил этилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори қабул қилинди, интернет тармоғида аҳоли долзарб деб ҳисоблаган ташаббусларни билдириш мумкин бўлган **“Mening fikrim”** махсус веб-портали режимида **ишга туширилди.**

Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ўрнига Ўзбекистон Республикаси **Президентининг Администрацияси** ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти ва тузилмаси такомиллаштирилди.

Республика туман ва шаҳарларида ягона дарча тамойили асосида фаолият олиб боровчи жами **201 та** Давлат хизматлари марказлари ишга туширилди. Мазкур марказлар орқали фуқароларга жами **109 турдаги** хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилди ва ушбу давлат хизматлари марказларига келиб тушган **1 967 000 дан** ортиқ мурожаатлар бўйича фуқароларга хизмат кўрсатилиши таъминланди. Давлат хизматлари ягона интерактив порталида йил бошидан **1150 дан** ортиқ

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама қилинди, “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар порталига эса **1500** дан ортиқ мурожаатлар келиб тушди.

9 та фаолият тури бўйича лицензия бериш функциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан тегишли вазирлик ва идораларга ўтказилди.

3 та фаолият тури бўйича лицензия бериш функциясини республика давлат бошқарув органларидан уларнинг ҳудудий бошқармаларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидан туман (шаҳар) ҳокимликларига 2 та рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни бериш функцияси ўтказилди.

*Давлат дастурининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган **II бўлими 37 та** банддан иборат бўлиб, уларда:*

- *17 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;*
- *3 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони;*
- *6 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори;*
- *5 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;*
- *2 та Концепция;*
- *1 та Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарорлари қабул қилиниши;*
- *4 та амалий чора-тадбирлар ва “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши назарда тутилган.*

Иккинчи устувор йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикаси **Олий Мажлиси ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия** тузилди, Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган концепция** тасдиқланди, “**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида**”ги Қонуни қабул қилинди, дастлабки тергов ва одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг, тадбиркорларнинг ҳамда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини кафолатловчи бир қанча қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди, жазони ижро этиш муассасаларида қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди, кузатув камералари ўрнатилди ва маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида мазкур муассасаларнинг моддий техника базаси такомиллаштирилди, **адвокатура** институтининг **ролини ошириш** ва ваколатларини кенгайтириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фуқароларга ноқулайлик туғдираётган вилоятлар чегарасидаги **74 та йўл постлари**, шу жумладан **31 та йўл-патруль** хизмати стационар постлари, **43 та патруль-пост** хизмати постлари (блок-постлар ва тўсиқ постлар)нинг фаолияти тугатилди.

Суд, прокуратура, ички ишлар идоралари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими такомиллаштириб борилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида **Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устидан назорат қилиш инспекцияси, Бош прокуратура Академияси ташкил этилди.**

Ўзбекистон Республикаси ЖПКга киритилган қўшимчага кўра “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган фактлар бўйича тадбиркорлик субъектига нисбатан **жиноят ишлари** кўзғатишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг розилиги билан йўл қўйилади”.

2018 йилнинг январь-август ойларида республика бўйича содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38 фоизга камайди, 261 та жиноят қўғилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига кирган шахслар авф этилди.

Маҳкумлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш ва жазони ўташ шароитларини яхшилаш учун 106 та вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига 1 814 та ҳамда 12 та тергов ҳибсхоналарига 123 та видеокузатув мосламалари, шунингдек, ушбу муассасаларга 149 та монитор ва 132 та серверлар ўрнатилди.

*Давлат дастурининг иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган III бўлими 58 та банддан иборат бўлиб, уларда:*

- 5 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;
- 8 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони;
- 11 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори;
- 12 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;
- 5 та Концепция;
- 4 та идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилиниши;
- 6 та давлатларaro битим ва келишувлар тузилиши;
- 11 та амалий чора-тадбирлар ва “йўл хариталари” ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилиши назарда тутилган.

Учинчи устувор йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони, “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Пул-кредит сиёсатини амалга

ошириш ва уни ривожлантиришнинг ўрта муддатли Концепцияси ҳамда 2018 - 2021 йилларда Концепцияни амалга ошириш бўйича “йўл харита”си ишлаб чиқилиб, унда босқичма-босқич инфляциявий таргетлаш режимига ўтиш белгилаб олинди.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги 7 та фаолият турини лицензияланадиган фаолият турлари рўйхатидан чиқарилди, 4 та фаолият тури бўйича лицензиялар 1 тага ва 34 та рухсат бериш тартиб таомиллари 16 тага бирлаштириш йўли билан ва 35 турдаги ҳаракатни амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари умуман бекор қилинди.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар, назорат тартибидаги текширувлар бекор қилинди.

*Давлат дастурининг ижтимоий соҳани ривожлантиришига қаратилган*

*IV бўлими 61 та банддан иборат бўлиб, уларда:*

- 5 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;
- 2 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони;
- 10 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори;
- 14 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;
- 3 та идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилиниши;
- 33 та амалий чора-тадбирлар ва “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши назарда тутилган.

Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари бўйича қишлоқ жойларида арзон уй-жойлар ва шаҳарлардаги кўп қаватли уйлардан хонадонлар сотиб олиш учун 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январга қадар 20 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр ва фоиз ҳамда дастлабки беш йилда 7 фоизли ставка ва кейинги йилларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида тўлаш шarti билан ипотека кредитлари ажратилиши белгиланди.

**“Обод қишлоқ” дастури** доирасида 2018 йилда **174 та туманлардаги 368 та маҳаллани** комплекс таъмирлаш кўзда тутилган бўлиб, бунда 127 143 та уйларда том ёпиш, фасад таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш ишлари, 1535 км узунликдаги ичимлик суви таъминоти тизимини тиклаш, умумий узунлиги 2083 км бўлган қишлоқ ва туман марказларини боғловчи 2083 км йўл қуриш, қишлоқ йўллари ва тротуарларини таъмирлаш, янги маршрутлар бўйлаб 252 та автобус бекатлари қуриш ва 571 та автобус ҳарид қилиш чоралари кўрилмоқда.

736 та ижтимоий объектларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, 1847 км электр таъминоти тизими ҳолатини яхшилаш, аҳолига қўшимча равишда 44686 та баллонларда сиқилган газ етказиб бериш ва алоқа тизимини модернизация қилиш режалаштирилди.

Спорт соҳасида юқори натижаларга эришилиб, Индонезияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар 30 та спорт тури бўйича 21 та олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза **жами 70 та медалларни қўлга киритиб**, 45 та мамлакат ичида умумжамоа ҳисобида 5 ўринни эгаллади.

2018 йилнинг январь-август ойларида Россия, Туркия, Украина, Озёрбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Жанубий Корея, Япония, Германия, Израиль, Франция, Хитой, Ҳиндистон ва Грузия давлатларидан 300 дан ортиқ шифокорлар Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ушбу ташрифлар доирасида Республика марказлари ва шифохоналарида **250 дан ортиқ жарроҳлик амалиётлари** ўтказилди ва **1050 дан ортиқ беморлар кўриқдан ўтказилди**. Шу билан бирга **110 дан ортиқ семинарлар ва маърузалар ташкил қилинди**.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2 222 та ижтимоий дорихоналар ташкил этиш режалаштирилди. Бугунги кунга келиб, “Дори-дармон” АЖ ва унинг филиаллари томонидан ҳудудларда 2355 та ижтимоий дорихоналарнинг фаолияти йўлга қўйилди.

**13 та “Исузи” ва 100 та “Дамас” автомашиналари** базасида республиканинг чекка ва олис ҳудудларида аҳоли ижтимоий дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланмоқда.

Туркия Ҳамкорлик ва Мувофиқлаштириш Агентлиги (ТИКА) томонидан Республика перинатал марказларига ҳамда туғруқ комплекслари керакли жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳақидаги таклифи асосида:

- 90 дона кувез;
- 7 та дона транспорт инкубатори;
- 10 дона исситувчи неонатал стол;
- 30 дона сунний нафас олдириш аппаратлари (неонатал вентилятор);
- 110 дона неонатаал монитор;
- 110 дона инфузион насослар;
- замонавий медицина асбоб ускуналари билан жиҳозланган 60 та тез тиббий ёрдам машиналари келтирилди.

Жорий йилда 357 та тиббиёт муассасаларида 989,7 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши назарда тутилди. Бугунги кунда, 600 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 558,5 млрд. сўм маблағ молиялаштирилди.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилалар учун 658 та уй, ҳарбий хизматчилар учун 100 та кўп қаватли уй, профилактика инспекторлари учун 1 171 та уй ва ҳудуд раҳбарлари учун 974 та уй қуриш белгиланган.

*Давлат дастурининг ижтимоий соҳани ривожлантиришига қаратилган*

**V бўлими 32 та банддан иборат бўлиб, уларда:**

- 2 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;
- 2 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони;
- 12 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори;
- 6 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;
- 2 та концепция;
- 3 та халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар қабул қилиниши;
- 6 та амалий чора-тадбирлар ва “йўл хариталари” ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилиши назарда тутилган.

Бешинчи устувор йўналиш бўйича Давлатимиз раҳбари томонидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва иқтисодий-ижтимоий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда минтақада тинчликни таъминлаш йўлида чет давлатларнинг раҳбарлари билан учрашиш мақсадида 5 мартаба чет элга расмий ташрифлар амалга оширилди ҳамда бешта бошқа давлат раҳбарлари Ўзбекистонда қабул қилиниб, алоқалар мустаҳкамланди.

**“Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди, Республика Қуръони карим мусобақаси ўтказилди, унда **5366** та қори ва қориялар иштирок этди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва республиканинг хорижий давлатлардаги дипломатик муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-3795-сонли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-3839-сон қарори қабул қилинди.